

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий
фаолият миллий банки” Акциядорлик
жамиятининг 25.12.2019 й. 1-сонли
таъсисчилар йиғилиш баёни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ
БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
ТАФТИШ КОММИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

Тошкент - 2019 йил

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4540-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган.

2. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайлаб қўйиладиган, назорат-тафтиш органи ҳисобланади.

3. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Банк Устави ва мазкур Низомга асосан амалга оширади.

2. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ТАРКИБИ (ТАФТИШЧИ)

4. Тафтиш комиссияси Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан кўрсатилган сон миқдоридан иборат таркибда Банк акциядорлари ҳамда Кузатов Кенгаши томонидан номзоди таклиф этилган шахслар орасидан бир йил муддатга сайланади. Айни бир шахс Банкнинг Тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас. Шунингдек, Банкнинг Тафтиш комиссияси (тафтишчи) вазифаларини аудиторлик ташкилотлари ҳам Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган тақдирда амалга ошириши мумкин.

5. Банк акциядорлари Тафтиш комиссиясининг белгиланган миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли. Бунда, номзодларнинг исми-шарифи, лавозими кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

6. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) доир малака талаблари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

7. Тафтиш комиссияси аъзолари айни бир вақтда Банк кенгаши аъзолари бўлиши, шунингдек Банк бошқаруви органларида бошқа лавозимларни эгаллаши мумкин эмас.

8. Тафтиш комиссияси аъзолари Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этган овоз берувчи оддий акцияларга эгалик қилувчи акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан сайланади. Овоз бериш натижаларига кўра энг кўп овоз олган номзод Тафтиш комиссиясига сайланган ҳисобланади.

9. Тафтиш комиссияси ваколат муддати у сайлангандан бошлаб кейинги йилда ўтказиладиган йиллик (ҳисобот) Акциядорлар умумий йиғилишида Тафтиш комиссиясининг янги таркиби сайлангунга қадар амал қилади.

10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Тафтиш комиссияси ваколатларини муддатидан олдин тугатиши мумкин.

3. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

11. Тафтиш комиссиясининг қарорлари унинг мажлисларида қабул қилинади.

12. Тафтиш комиссияси мажлиси барча аъзолар иштирок этган тақдирдагина ваколатли бўлади.

13. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эгадир. Тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хулосалари мажлисда қатнашаётганларнинг оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар тенг бўлганда Тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

14. Тафтиш комиссияси ўз таркибидан Раис ва Котибни сайлайди. Тафтиш комиссиясининг Раиси ва котиби Тафтиш комиссияси аъзолари орасидан оддий кўпчилик овози билан сайланади.

15. Тафтиш комиссияси Раиси:

Тафтиш комиссиясининг мажлисларини чақиради ва ўтказиши;

Тафтиш комиссиясининг жорий ишини ташкил қилади;

Банк Бошқаруви, Банк кенгаши мажлисларида, Акциядорлар умумий йиғилишида Тафтиш комиссиясининг номидан вакил бўлади ва текшириш натижалари юзасидан ҳисобот беради;

Тафтиш комиссиясининг номидан чиқадиган ҳужжатларга имзо чекади.

16. Тафтиш комиссияси Котиби:

унинг мажлислари баённомалари юритилишини ташкил этади;

Тафтиш комиссияси далолатномалари ва хулосаларини тегишли манзилларга етказиши;

комиссия номидан чиқадиган ҳужжатларга имзо чекади.

4. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ (ТАФТИШЧИНИНГ) ВАЗИФАЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

17. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) ўз ваколат доирасида банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни (тафтиш қилишни) унинг молиявий йилдаги фаолияти яқунлари бўйича, шунингдек Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кенгашининг қарори ёки банк акциядорларининг талабига асосан оралиқ давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширади.

18. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) молиявий йил фаолияти бўйича ўтказилган тафтиш тўғрисидаги хулосани Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кун олдин Банк Кенгашига ва Бошқарувига тақдим этиши шарт.

5. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ (ТАФТИШЧИ) ТОМОНИДАН БАНК МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ ТАРТИБИ

19. Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талабига кўра Банк ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига (тафтишчига) тақдим этиши шарт.

20. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), акциядорлар умумий йиғилишининг, Банк кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Банк кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

21. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хулоса тузади, бу хулосада:

Банкнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

22. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) Банкда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу модданинг саккизинчи қисмида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

6. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ (ТАФТИШЧИНИНГ) ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

23. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

молиявий, ҳуқуқий фаолиятда қонунбузарликлар аниқланиши ёки Банк манфаатларига таҳдид солиниши Банк бошқарув органларининг ваколатида бўлган масалаларни ҳал қилишни талаб этадиган ҳолларда ваколатли шахслардан Банк Бошқаруви, Банк кенгаши мажлисларини, Акциядорлар умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

молиявий, ҳуқуқий фаолиятда қонунбузарликлар аниқланган ёки Банк манфаатларига бошқача хавф таҳдид солинган ҳолларда Банкнинг Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш (бир овоз билан қарор чиқарган ҳолда);

Банк ходимларидан, шу жумладан исталган мансабдор шахсларидан, Тафтиш комиссияси ваколатида бўлган масалалар бўйича шахсан тушунтириш беришни талаб қилиш;

Банкнинг бошқарув органлари, унинг бўлинмалари ва хизматлари олдига, Банк томонидан қабул қилинаётган низомлар, қоидалар ва йўриқномаларни бузганлари тақдирда, Банк ходимлари, шу жумладан мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш.

мазкур низомнинг 27 бандида назарда тутилган ҳужжатларни белгиланган тартибда Банк Бошқарувидан, таркибий бўлим раҳбарларидан талаб қилиб олиши ва фойдаланиши мумкин;

текширув ўтказилгандан кейин 30 (ўттиз) кун ичида Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси амалга оширган фаолияти ва харажатларини қоплаш мақсадида 24 (йигирма тўрт) меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорида ҳар йили (ёки ойма-ой бўлган ҳолда) мукофот ва (ёки) компенсациялар пули олиши.

24. Текширишларни ўтказиш пайтида Тафтиш комиссияси (тафтишчи) текширув мавзуга тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни синчиклаб текширишга мажбурдир.

25. Агар унга берилган ваколатларнинг амал қилиш муддати мобайнида Тафтиш комиссиясининг аъзоси ўз функцияларини бажаришини тўхтатса, бу ҳақда у Банк кенгашини Тафтиш комиссиясидаги ишини тўхтатишидан бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда акциядорлар Умумий йиғилиши ўзининг энг яқин вақтда ўтказиладиган мажлисида Тафтиш комиссиясининг аъзосини алмаштиради.

26. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) қуйидагиларга мажбур:

- Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кенгаши, Банк Бошқаруви эътиборига амалга оширилган тафтиш ва текширишлар натижаларини Банк бошқарув органлари мажлисларидаги ёзма ҳисоботлар, маърузаномалар, ахборотлар шаклида ўз вақтида етказиш;

- тижорат сирини сақлаш, ўз функцияларини бажаришлари пайтида Тафтиш комиссияси (тафтишчи) фойдалана оладиган, сир сақланадиган маълумотларни эълон қилмаслик;

- Банк манфаатларига ҳақиқатда хавф таҳдиди пайдо бўлган ёки мансабдор шахслар йўл қўйган суистеъмолликлар аниқланган тақдирда ваколатли органлардан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

- Тафтиш комиссияси аъзолари акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этишга мажбурдирлар ва улар ўз ваколат доираларида йиғилиш иштирокчиларининг саволларига жавоб беришлари шарт.

27. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича Тафтиш комиссияси (тафтишчи) хулоса тузади ҳамда бу хулосада:

- Банкнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончилигига доир баҳо берилиши;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботини тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

28. Тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) хулосаси унинг барча аъзолари томонидан, жумладан хулосадан норози бўлган аъзоси томонидан ҳам имзоланади. Тафтиш комиссиясининг хулосасига қарши (норози) бўлган Тафтиш комиссияси аъзоси хулосага ўзининг қаршилиқ (норозилиқ) сабаблари кўрсатилган алоҳида фикрини илова қилади.

29. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) Банкда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Банк ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чорақда (*ҳисобот даври тугаганидан сўнг 40 (қирқ) кун муддат ичида*) Банк Кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Мазкур Низомнинг 26-бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса Акциядорларнинг умумий йиғилишида эшитилади.

7. БАНК ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ (ТАФТИШЧИНИНГ) ЖАВОБГАРЛИГИ

30. Банк Тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) Банк ва унинг акциядорлари олдида ўз мажбуриятларини тегишли тарзда бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда Банк уставига мувофиқ жавобгар бўладилар.

8. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

31. Банк Бошқаруви Тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ишлаши учун лозим бўлган шарт-шароитни яратиб беради, жумладан Тафтиш комиссияси (тафтишчи) ишлаши учун лозим бўлган хона, техника жиҳозлари, керакли ҳужжатлар билан таъминлайди.

32. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) ўз вазифаларини амалга оширган даврда Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан ҳақ тўланиши ва ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлари Банк ҳисобидан қопланиши мумкин.